




JOURNAL OF GEOGRAPHY AND NATURAL RESOURCES

journal homepage:

<https://topjournals.uz/index.php/jgnr>

REGIONAL CHARACTERISTICS OF POPULATION DYNAMICS AND NATURAL MOVEMENT OF ANDIJAN REGION

Murodjon M. Atajonov

Senior teacher, Doctor of Philosophy on geographical sciences (PhD)

Andijan State University

Andijan, Uzbekistan

E-mail: atajonov.murodjon80@mail.ru**Islomjon A. Karimov**

Master's student

Andijan State University

Andijan, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: population, population density, demographic situation, natural growth, natural reproduction, demographic coefficients, urban population, rural population, urbanization.

Abstract: the article analyzes the territorial characteristics of population dynamics and demographic situation in Andijan region. Also, recommendations on socio-demographic problems and some of their solutions were put forward in the rural areas of the region.

Received: 31.10.22**Accepted:** 02.11.22**Published:** 04.11.22

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ СОНИ ДИНАМИКАСИ ВА ТАБИЙИЙ ҲАРАКАТИНИНГ ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Муроджон М. Атажонов

катта ўқитувчи, география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Андижон давлат университети

Андижон, Ўзбекистон

E-mail: atajonov.murodjon80@mail.ru**Исломжон А. Каримов**

Магистратура талабаси

Андижон давлат университети

Андижон, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: аҳоли, аҳоли зичлиги, демографик вазият, табиий ўсиш, табиий кўпайиш, демографик коэффициентлар,

Аннотация: мақолада Андижон вилоятида аҳоли сони динамикаси ва демографик вазиятини худудий хусусиятлари таҳлил қилинган.

шаҳар аҳолиси, қишлоқ аҳолиси, Шунингдек, вилоят қишлоқ жойларида ижтимоий-демографик муаммолар ва уларнинг айрим ечимлари бўйича тавсиялар илгари сурилган.

ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ДИНАМИКИ И ЕСТЕСТВЕННОГО ДВИЖЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Муроджон М. Атажонов

старший преподаватель, доктор философии по географическим наукам (PhD)

Андижанский государственный университет

Андижан, Узбекистан

E-mail: atajonov.murodjon80@mail.ru

Исломжон А. Каримов

Магистрант

Андижанский государственный университет

Андижан, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: население, плотность населения, демографическая ситуация, естественный прирост, естественное воспроизводство, демографические коэффициенты, городское население, сельское население, урбанизация.	Аннотация: в статье анализируются территориальные особенности динамики населения и демографическая ситуация в Андижанской области. Также были выдвинуты рекомендации по социально-демографическим проблемам и некоторым их решениям в сельской местности области.
---	---

КИРИШ

Аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг жойлашуви бир-бири билан алоқадор бўлиб, ҳудудлар иқтисодий-демографик ҳудудий ташкил этилишига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис ҳам, ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик бўлган долзарб масалаларни тадқиқ этишда аҳоли сони, унинг динамикаси ва демографик вазиятини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Андижон вилоятининг майдони 4,3 минг км.кв.ни ташкил этиб, республиканинг 0,9 фоиз ҳудудини эгаллайди ва мамлакат жами аҳолисининг 1/10 қисмига яқини истиқомат қилади (3253,5 минг киши). 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра таркибида 14 та туман, 11 та шаҳар, 79 та шаҳарча ҳамда 455 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд.

Вилоятда аҳоли жуда зич жойлашган бўлиб, бу кўрсаткич нафақат республикада, балки МДХ бўйича энг юқори зичлик кўрсаткичларига эга (756 киши). Вилоят маркази Андижон шаҳри аҳоли сонига кўра (458,5 минг киши) Тошкент, Наманган ва Самарқанд шаҳридан кейинги тўртинчи йирик шаҳар ҳисобланади.

Фарғона водийси аҳоли сони, таркиби, демографик вазияти каби масалалар З.М.Ақромов, О.Б.Ата-Мирзаев, А.С.Солиев, О.Абдуллаев, И.Алиакбарова, Б.Гольдфарб, А.Эргашева, Ю.И.Аҳмадалиев, З.Н.Тожиева, Р.Б.Қодиров каби олимлар томонидан тадқиқ этилган. Андижон вилояти мисолида ўтказилган бундай тадқиқотлар сирасига И.Сулаймонов (1994), С.Зокиров (1997), Р.Қодиров (2003, 2021), М.Мамажонов (2004), А.Исаев (2009), М.Атажонов (2022), З.Темиров (2022)лар томонидан бажарилган илмий ишларни киритиш жоиз.

Бугунги кунда Андижон вилоятини демографик ҳолати бўйича Ўзбекистоннинг ўзига хос бўлган геодемографик район сифатида қараш мумкин. Унинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари кўп жиҳатдан аҳолининг юқори табиий ўсиши, таркиби ва ҳудудий жойлашуви билан изоҳланади. Вилоят аҳолиси сонининг ҳудудига нисбатан катталиги, ўз навбатида ўта зич жойлашганлиги аҳоли билан боғлиқ муаммолар мураккаблашувига олиб келаётган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

1-жадвал

Андижон вилояти аҳолиси ва унинг ҳудудий таркиби

Т/ Р	Шаҳар ва туманлар	Майдони (минг кв. км. ҳисобида)	Аҳолиси (минг киши ҳисобида)		Жами аҳолига нисбатан, фоиз ҳисобида		Аҳоли зичлиги (ҳар кв.км.га киши ҳисобида)	Урбанизация даражаси, фоиз ҳисобида
			1989	2021	1989	2021		
	Шаҳарлар							
1	Андижон	0,07	290,5	458,5	16,8	14,1	6550	100,0
2	Ҳонобод	0,04	24,7	44,0	1,4	1,3	1100	84,3
	Туманлар:							
1	Андижон	0,37	133,7	273,8	7,7	8,4	740	76,5
2	Асака	0,27	125,9	340,0	7,7	10,4	1259	30,8
3	Балиқчи	0,34	104,6	207,1	6,2	6,3	609	33,7
4	Булоқбоши	0,18	33,6	147,0	4,7	4,5	816	48,3
5	Бўстон	0,20	37,8	74,8	2,3	2,3	374	35,3
6	Жалақудук	0,37	103,1	191,4	6,0	5,9	517	41,8
7	Избоскан	0,28	130,6	245,6	7,6	7,5	877	32,0
8	Марҳамат	0,32	92,9	178,7	5,4	5,5	558	78,8
9	Олтинқўл	0,21	90,5	184,7	5,4	5,6	879	52,5
10	Пахтаобод	0,26	101,1	199,9	5,8	6,1	768	36,5
11	Улуғнор	0,42	32,7	61,8	2,0	1,9	147	10,3
12	Хўжабод	0,23	61,9	114,1	3,6	3,5	496	42,3
13	Шаҳрихон	0,29	99,8	310,0	5,8	9,5	1068	33,1
14	Қўрғонтепа	0,46	121,4	222,1	7,0	6,8	482	42,6
	Вилоят бўйича	4,3	1721,3	3253,5	100,0	100,0	756	52,2

Жадвал вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Аҳоли сони бўйича Андижон шаҳри демографик салоҳиятига кўра алоҳида ажралиб туради (458,5 минг киши). Асака, Шаҳрихон ва Андижон туманларида мос равишда 340,0,

310,0 ва 273,8 минг аҳоли истиқомат қилади. Энг кам кўрсаткичлар эса Бўстон туманида 74,8 минг киши, Улуғнор туманида 61,8 минг аҳоли истиқомат қилиши билан фарқланади. 2021 йилда энг кўп аҳоли сони Андижон шаҳрида (вилоят аҳолиси сонидagi улуши 14,1 фоиз) ва Асака туманида (10,4 фоиз), аксинча энг кам аҳоли сони Хонобод шаҳрида (1,3 фоиз) ва Улуғнор туманида (1,9 фоиз) мужассамлашган (1-жадвалга қаранг).

Сўнгги йилларида Ўзбекистон, хусусан Андижон вилояти демографик вазиятида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Буни аҳоли туғилиши ва табиий кўпайишидаги миқдорий ўзгаришлар билан изоҳлаш мумкин. Чунончи, Андижон вилояти аҳолиси 2021 йилда 3253,5 минг кишини ташкил этган ҳолда мамлакат жами аҳолисининг қарийб 9 фоизини ўзида мужассамлаштирган. Вилоят шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўсиши унинг мамлакатдаги улуши турли даврларда турлича хусусиятларга эга. Жумладан, статистик маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Андижон вилояти аҳолиси 1979-1989 йилларда 128 фоизга ўсган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистон Республикасида 129 фоизга тенг бўлган.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли сонининг ўсиши вилоят шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг миқдорига сезиларли таъсир этган. Масалан, 1979 йилда Андижон вилоятида жами 1353,4 минг аҳоли истиқомат қилган бўлиб, унинг 27 фоизини, яъни 9680 минг кишини шаҳар аҳолиси ташкил этган. Ҳудди шу даврда вилоят қишлоқ аҳолиси мамлакат жами қишлоқ аҳолисининг 10,6 фоизини, шаҳар аҳолиси эса республика шаҳар аҳолисининг 5,6 фоизига тўғри келган. 1989 йилга келиб Андижон вилоятида урбанизация даражаси 32,2 фоизга етди, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг мамлакатдаги улуши эса мос равишда 6,8 ва 9,9 фоизга тенг бўлди. 2005 йилда урбанизация кўрсаткичи 29,6 фоизга тушиб қолди, бироқ шаҳар ҳамда қишлоқ аҳолисининг республикадаги хиссаси бироз ортди (7,2; 10,3 фоиз).


Доимий аҳолининг 2020 йилга нисбатан ўсиши вилоятда 1,9 фоизни ташкил этди. Туманлар кесимида аҳолининг энг юқори кўпайиши 2020 йилга нисбатан Олтинкўл туманида 102,2 фоизга, Асака туманида 102,1 фоизга, аксинча энг кам ўсиш суръати Хонобод шаҳрида 101,6 фоизга, Жалақудук туманида 101,7 фоизга тўғри келди.

Қишлоқ туманлари орасида аҳолининг ўсиш суръатлари, зичлик кўрсаткичлари, вилоят жами аҳолисига нисбатан улушида Асака ва Шаҳрихон туманлари алоҳида ажралиб туради. Масалан, мазкур туманларда жами аҳолининг мос равишда 10,4 ва 9,5 фоиз аҳолиси истиқомат қилади. 1989-2021 йилларда Шаҳрихон тумани аҳолиси 3 марта кўпайган. Умуман олганда, аҳолининг зичлиги вилоят ўртача даражасидан паст бўлган туманларга Андижон, Балиқчи, Бўстон, Жалақудук, Марҳамат, Улуғнор, Хўжабод ва Қўрғонтепа туманлари киради. Вилоят кўрсаткичларидан юқори гуруҳга эса Асака, Булоқбоши, Избоскан, Олтинкўл, Пахтабод ва Шаҳрихон туманлари киритилади.

Аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичларини таҳлил қилиш у билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни ижобий ҳал этишда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Маълумки, аҳоли табиий ҳаракатига аҳоли сони, таркиби, ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланганлик даражаси ҳамда бошқа омиллар таъсир кўрсатган ҳолда бу вазият турли ҳудудларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу ҳақда бир қанча демограф олимлар ўз тадқиқотларида таъкидлаб ўтганлар. Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, республикада, шу жумладан Андижон вилоятида ҳам аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичлари 1990 йилгача анча юқорилиги билан характерланади. Жумладан, 1989 йилда Андижон вилоятида туғилиш коэффициенти 33,9 промиллени ташкил этган ҳолда, табиий ўсиш 27,5 промиллега тўғри келади. Айнан, шу йили республикада бу мос равишда 33,7 ва 27,2 промиллега тенг бўлган, ўсиш коэффициенти ҳам бироз юқорилиги билан ажралиб турган (6,4;6,5 промилле). 1990 йилга келиб вилоятда туғилиш даражаси 34 промиллега (республикада – 39,8), табиий ўсиш эса 28,1 га(республикада – 34,4) етди, бироқ ўлим кўрсаткичлари бироз пасайди (5,9; 5,8 промилле).

Андижон вилояти қишлоқ жойларида ҳам аҳоли табиий ҳаракатида сезиларли ўзгаришларни кўриш мумкин. Бу туғилиш, ўлим, табиий кўпайиш коэффициентларининг пасайиши билан изоҳланади. Хусусан, 2001 йилда Андижон вилоятида туғилиш-19,6, ўлим-4,9, табиий ўсиш эса 14,7 промиллега тенг бўлган. Қишлоқ ва шаҳар жойларда бу кўрсаткич бироз фарқланади. Жумладан, туғилиш даражаси Асака, Бўстон, Жалакудук, Избоскан, Олтинкўл, Улуғнор, Қўрғонтепа туманларида вилоят ўртача кўрсаткичидан паст бўлган бўлса, қолган туманларда бу миқдор бироз юқорилиги билан тавсифланади. Ўлим даражасининг нисбатан юқорилиги билан Андижон, Жалакудук, Олтинкўл туманлари алоҳида ажралиб турган. Вилоят ўртача даражасидан паст кўрсаткичлар эса Асака, Булоқбоши, Бўстон, Марҳамат, Улуғнор, Пахтабод ва Шаҳрихон туманларида кузатилган.

2020 йилга келиб эса Андижон вилоятида туғилиш даражаси 25,8, ўлим кўрсаткичи 5,0 промиллени ташкил этгани ҳолда аҳолининг табиий ўсиши 20,8 промиллега тенг бўлди.



1-расм. Андижон вилояти қишлоқ туманлари демографик вазияти (2020 йил, промилледа)

Туғилиш даражасининг энг юқори кўрсаткичлари Андижон (26,5), Асака (26,4), Избоскан (26,2), Олтинкўл (26,8), Пахтабод (26,8), Хўжабод (26,6) ҳамда Шаҳрихон (26,7) туманларида кузатилди. Қолган туманларда бу ҳолат вилоят ўртача даражасига тенг ёки нисбатан пастлиги билан ажралиб туради. Ўлим даражасининг вилоят ўртача кўрсаткичларидан юқори ҳолатлари Андижон (5,8), Марҳамат (5,2) ва Олтинкўл (5,1) туманларига тўғри келди. Унинг энг паст даражаси Кўргонтепа туманида 4,3 промиллега тенг бўлди(1-расмга қаранг).

Маълумки, Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси таркибида болалар ва ўсмирларнинг улуши доимо юқори бўлиб келган. Айниқса, аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда бу яққол кўзга ташланади. Жумладан, Андижон вилояти қишлоқ жойлари аҳоли ёш таркиби бўйича бошқа вилоятлардан кескин фарқ қилмасада, уларнинг мутлақ кўплиги билан тавсифланади. Масалан, 2020 йилда вилоятда 18 ёшгача бўлган аҳоли жами аҳолининг деярли 34 фоизини ўзида қамраб олади. 18-30 ёшгача бўлган аҳоли 20 фоизга, 30 ёшдан юқори бўлган аҳолининг улуши эса 46 фоизга тенг бўлди.

ХУЛОСА

Андижон вилояти туманларида аҳоли табиий ўсишининг ўртача кўрсаткичида пасайиш рўй берди. Вилоят шаҳар ва туманларида аҳоли ўсиши ва турмуш шароитини яхшилаш, иқтисодий-ижтимоий ривожланишни режалаштириш ва амалга оширишда демографик вазиятни эътиборга олиш тавсия этилади. Чунончи, педиатрияни ривожлантириш, мактабгача ва умумий таълим тизимини янада яхшилаш юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ечишда катта ёрдам беради.

Биобарин, аҳолининг динамикаси, демографик вазият келгусида жойларда иқтисодий-ижтимоий ислохотларни қай тарзда олиб бориш зарурлигини белгилаб беради. Демак, аҳолининг катта қисми қишлоқ жойларда истикомат қиладиган Андижон вилоятида бозор ислохотлари айнан қишлоқ жойларга, унинг аҳолисини моддий, маънавий-маиший ҳаётини юксалтиришга қаратилмоғи лозим.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Атажонов М.М. Андижон вилояти қишлоқ жойларида ижтимоий инфраструктура тизимининг ҳудудий таркибини такомиллаштириш. геогр. фан. фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Т., 2022. – 48 б.

2. Темиров З.А. Фарғона водийси вилоятларида демографик жараёнлар ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари. геогр. фан. фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Т., 2022. – 45 б.

3. Қодиров, Р. (2016). *Фарғона минтақаси аҳолиси ва меҳнат ресурслари*. Тошкент: Наврўз.
4. Қурбонов, Ш. (2019). *Ўзбекистон қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий географияси*. Тошкент: Мумтоз сўз.